

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Хафтада беш марта чоп этилади

УЛКАН ХИРМОН—МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАГА ДАРМОН

СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК

Иштихон районидаги «8 Март» жамоа хўжалигининг Элмурод Нормуродов бошлиқ бригадаси аъзолари режани бажариш арафасида сўнгги тўрт кунда ўртача 40 тоннадан, жами 160 тонна оқ олтин тайёрлашди. Бу йил жамоа заршунослари 107 гектар майдонда ўза ўстиришди. Шароит нокулай келганлига қарамайдан «Қирғиз-3» тезпишар нани ўзининг афзалликларини кўрсатди. Қўламада рўй берган ёгингарчилик уларни ҳам четлаб ўтмади. Бригадада умумий пахтазорнинг қарийб тўртдан бир қисмида кайтадан урув қадашга туғри келди. Хар тул ниҳол авайлаб-араб парваришланди. Натижа чакки эмас. Бутун кунда қабул пунктларига 330 тонна биринчи нав пахта топширилиб, йиллик марра эгалланди. Хосилдорлик ўртача 30 центнердан тўшди. Яна гектаридан 10 центнердан хирмон кўтариш кўзланмоқда. Жорий йилда ўза баргини тўктириш бузулишига қараганда бир ҳафта кеч бошланди. Оқибатда йилги-теримга ҳам ўн кун кейин, 25 сентябрда киришилди. Лекин суръат жуда тез кўтаришди. Хосилдорлик кўрсатишчи, пайкаларда ўтган йилгидан кўра тахминан 20 фоз кўп ҳосил тўпланган.

Айрим пайкаларда биринчи теримдаёқ гектаридан 30 центнер ўрнига 35 центнердан оқ олтин саранжомланди. Моҳир механизатор

Назар Рўзимуродов шикоят кўрсатиб меҳнат қилапти. У бригадада йил бўйи ишлади: қўламада чигит қадади, ёзда қатор ораларига ишлов берди, озиклангирди, кейин ўза баргини тўктириш учун дори себди. Эндиликда кунинга машина бункеридан 25 тоннагача дур бўшатмоқда. Тажирибали механик-ҳайдовчи ҳисобида ҳозирдаёқ 150 тоннадан ошқироқ хом ашё бор.

Хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам йилги-терим жадал суръатларида олиб борилаётган. Айрим кўшлари ўртача йиллик режанинг 15 фозига қадар хом ашё тайёрланмоқда. Шу райондаги «Иттифок» қўламадан Тўхта Холмуродов бригадаси гектаридан 29 центнер ўрнига 36 центнердан хирмон кўтаришди. Иштихон районидаги Илчи номи, Ҳамид Олимжон номи, «Иттифок», Бердиқуллов номи, Пахтачи районидаги Киров номи, «Гулистон», Нарпай районидаги Ленин номи, «Ҳақиқат», Ойбек номи, «Галаба» жамоа хўжаликларида ҳар кун йиллик режанинг 5—7 фозини миқдоридан дурдона тайёрланаяпти. «Иттифок» жамоа хўжалигидаги 11 та бригадани 4 таси мажбурият ҳисобига оқ олтин топширмоқда. Хўжаликда Парда Холмуродов, Қувон Ҳамроев бошлиқ бригадалар режани 1,4—1,5 баравар ошириб бажардилар.

Бу ерда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Ва-

зирлар Маҳкамасининг пахта хом ашёси ва толаси харид нархларини ошириш тўғрисидаги қарорини катта қониқ билан қўтиб олдилар.

Хатирчи ва Пайариқ районлари хўжаликларида кунлик суръат тобора кўтарилаётган. Машина теримда Пахтачи райони механизаторлари юқори натижага эришмоқдалар. 118 та загори кемаининг ҳар бири билан кўнига ўртача 7,1 тоннадан ҳосил саранжомланмоқда. Хатирчи ва Иштихон районларининг механизаторлари эса кўнига ўртача 6,1—6,8 тоннадан дур термоқдалар.

Қўла теримиде Каттакўрғон, Хатирчи ва бошқа бир қатор районларнинг хўжаликларида яхши натижага қайди қилинмоқда. Уларда ҳар кун киши ҳисобига 70 килограмм ва ундан зиёд қимматли хом ашё саранжомланмоқда.

Куз ҳавоси беқарор, тез ўзгаришчан. Самарканд, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон республикасида ёғиб ўтган ёмғир вақт ганимат эканлигини, суръатини ошириш кераклигини яна бир бор эслатиш. Шунинг учун бор куч-гайратини ишга солиш лозим.

Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирилик пахтачилик бошқармасининг бошлиғи.



Шу кунларда Тошкент вилояти Бек-обод районидаги Ленин номи жамоа хўжалигида загори кемалар қизғин ишлашмоқда. Механизаторлар орасида мусобақа ташкил этилган. Пахта пунктини эса хўжалик ўзи ихтиёрига олган. Буларнинг ҳаммаси ҳосилни тез йиғиштириб олишда қўла келмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Жамоа хўжалиги раиси Ҳасанбой Бўрибоев (чапдан), механизатор Турсунали Каримов ва бригадир Мухторали Тўғузбоев пахта сифатини кўздан кечириб ўтмоқда. 2. Далаларда машина терими. 3. Тайёрлов пунктда хом ашёни қуритиш.

А. МАЛЫЦЕВ олган суратлар.



Ўзбекистон Халқ-демократик партияси таъсис съездини қақриш ташкилот комитетининг қарори 1991 йил 4 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ТАЪСИС СЪЕЗДИНИ ҚАҚРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Халқ-демократик партиясининг таъсис съезди 1991 йил 1 ноябрда Тошкент шаҳрида қақрилсин. Кун тартибига қўйилган масалалар киритилсин:

— Ўзбекистон Халқ-демократик партиясини тузиш ҳамда унинг ташкилотлари вазирилари қақрида;

— Ўзбекистон Халқ-демократик партиясининг Дастури тўғрисида;

— Ўзбекистон Халқ-демократик партиясининг Устави қақрида;

— партия раисини сайлаш тўғрисида;

— партия марказий кенгашини сайлаш;

— партия марказий тафтиш комиссиясини сайлаш.

2. Съездга вакиллар меъёри Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан 100 делегат қилиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Халқ-демократик партиясининг таъсис съездида тайёрларлик кўрувчи Қорақалпоғистон Республикаси, республика вилоятлари ва Тошкент шаҳри муваққат комитетлари тасдиқлансин. Уларга шаҳарлар, районлар, кўргонлар ва қишлоқларда бир ҳафта муддатда муваққат комитетларини тузиш ва тасдиқлаш, истиқомат жойларида партия ташкилотларини тузиш тўғрисида фаол ташкилий ва сиёсий ишларини бошлаб юбориш топширилсин.

4. Муваққат комитетларга:

— шу йил 25 октябргача Ўзбекистон Халқ-демократик партиясини аъзоларини рўйхатга олиш, айни бир вақтда ҳудудий ёки ишлаб чиқариш партия ташкилотларига бирилашиб истагини билдирган камидан 5 та партия аъзоси мавжуд бўлган тақдирда уларни бошланғич ташкилот сифатида рўйхатга олиш;

— шу йил 25 октябргача Ўзбекистон Халқ-демократик партиясини Дастури ва Устави лойиҳаларини йиғилишларда ва конференцияларда муҳокама қилиш, партия таъсис съездида, шаҳар, район, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят партия конференцияларига делегатлар сайлашнинг ўтказиш топширилсин.

Мазкур ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида айтилган барча мулоҳазалар ва тақлифлар сира кенгитирмай ташкилот комитетига тақдим этилсин.

5. Ташкилот комитетининг, жойлардаги муваққат комитетларнинг аъзоларига таъсис съездини тайёрлаш, аҳоли истиқомат жойларида, меҳнат жамоаларида (бу иш қонунга зид бўлмаган жойларда), оммавий-ахборот воситаларида Халқ-демократик партиясини Дастури ва Устави лойиҳаларининг муҳокамасини ўтказиш топширилсин.

Ташкилот комитети раиси
И. КАРИМОВ.

МАШИНА БАРАКАСИ

Қўриқдаги Мирзаахмедов номи давлат хўжалиги механик-ҳайдовчиси Рўзимат Қомилов пахта терим маъсумининг бошидан пешадамликни қўлга киритиб, уни ҳеч кимга бункиридан ҳозирнинг ўзида 135 тонна оқ олтин тўқди. Кўп жиҳатдан шу туфайли Н. Шербоев бригадаси жамоаси Қомсомолбод районида биринчи бўлиб пахта териш йиллик режасини бажарди. Тайёрлов пунктга 254 тонна пахта жўнатилди, 83 гектар ернинг ҳар бир гектари ҳосилдорлиги ҳозирнинг ўзида 30,5 центнердан ошиб кетди.

Давлат хўжалиги пахтакорларни ўтган маъсумидан кенг асосий эътиборни ҳосилни машинада териб олишга қаратишмоқда. Улар 8250 тонна хом ашё йиғиб олишни мўлжаллашмоқда, шундан қарийб 80 фозин пахта териш машиналари ёрдамида хирмонга тўкилад.

Андижон вилояти.

ХИРМОНГА БАРАКА

Қорақалпоғистонда ва республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоз ҳисобида)

Вилоятлар	Вир кўнуда		Шу жумладан машинада терилган	
	Вир кўнуда	Маъсум бошида	Вир кўнуда	Маъсум бошида
Бухоро	2,79	85,59	2,46	64,91
Фарғона	2,59	80,87	2,85	74,85
Қашқадарё	4,06	69,24	4,68	75,06
Сирдарё	4,14	67,31	4,74	76,77
Жиззах	4,25	65,19	5,25	80,65
Сурхондарё	3,49	60,44	4,33	64,02
Наманган	3,09	57,42	3,84	63,31
Андижон	2,15	55,50	3,12	57,92
Самарқанд	4,11	49,07	4,75	50,44
Тошкент	5,01	48,32	6,80	52,35
Хоразм	2,50	47,58	1,93	23,22
Қорақалпоғистон республикаси	2,96	41,70	3,21	40,61
Республика бўйича	3,47	61,97	4,18	62,35
ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА				
Сурхондарё	4,01	58,83	—	—
Қашқадарё	5,32	53,19	—	—
Бухоро	2,69	49,31	—	—
Наманган	1,94	43,68	—	—
Андижон	0,28	22,00	—	—
Республика бўйича	4,20	55,16	—	—

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИ ЧАҚИРИШ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИДА

Шу йил 3 октябрда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойини қақриш юзасидан республика Компартиясининг факултетада XXIII қурултойи томонидан тузилган Ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ташкилот комитетининг раиси И. А. Каримов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини Дастури ва Низоми лойиҳалари муҳокама қилинди. Комиссиялар муҳокамага тақлиф этилган лойиҳаларини Ўзбекистон Компартиясини факултетада XXIII қурултойида ифода-лаб берилган қондаларга мувофиқ тайёрлаганликлари таъкидланди. Лойиҳаларда жойлардан тушган тақлифлар ҳисобга олинган, маҳаллий партия ташкилотлари ва мувозий ишчи гуруҳларининг муқобил ҳужжатларида тақлиф этилган барча қимматли фикрлар эсга эттирилган.

Низом лойиҳасида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини парламент типидеги партия сифатида таърифланди ва шунга мувофиқ ўз зиммасига бевосита ҳокимият ва бошқариш вазирилари оладиган барча партия тузилма-

лари истисно этилади. Низомда партия турмушининг меъёрлари иложи борида кўпроқ демократиялаштирилган, ҳокимиятнинг юқори ва ижроия идораларини шакллантиришда партия ташкилотларининг аҳамияти оширилди.

Ташкилот комитети ҳужжатларни ҳар томонлама муҳокама қилгандан сўнг комиссиялар томонидан тайёрланган Дастур ва Низом лойиҳаларини асосан таъкидлаш, мажлисда билдирилган фикр мулоҳазалар ва тақлифларини эътиборга олиб уларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда матбу-бда эълон қилиш қақрида қарор қабул қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва районларнинг муваққат ташкилот комитетларига бу ҳужжатларни аҳоли ўртасида ва турар жойларда, меҳнат жамоаларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама ва тарғиб этилиши ташкил этиш тақлиф этилди.

Мажлисида Ташкилот комитети аъзолари ўртасида вакифалар тақсимлаб олинди. Жойларда амалий ёрдам кўрсатиш учун Ташкилот комитети вакиллари Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятларга ва Тошкент шаҳрига юборилди. Янги партияни шакллантириш ва Таъсис қурултойини тайёрлаш билан боғлиқ барча зарур тадбирларни амалга ошириш учун Х. М. Абдураимов бошчилигида гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Таъсис қурултойини 1991 йил 1 ноябрда қақришга қарор қилинди. Қурултойда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини ташкил этиш, унинг ташкилотлари ва сайлаб қўйилган органларининг яқин орада ва истиқболда амалга ошириладиган вазифалари, Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини Дастури ва Низоми, партиянинг Раиси, Марказий Кенгаши ва Марказий тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш мўлжалланмоқда.

Ташкилот комитети Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини аъзолари рўйхатдан ўтказиш тартибни, шунингдек партия конференциялари ва Таъсис қурултойига делегатлар сайлаш тартибни тасдиқлади, бу тадбирларни ўтказиш муддатларини белгиледи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ПАХТА ТОЛАСИ ВА ПИЛЛАНИ СОТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг пахта хом ашёси ва пилла етиштиришни қўлайитириш ҳамда харид қилишдан манфаатдорлигини ошириш, бозор муносабатларига ўтиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ва кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни сотишнинг мавжуд тартибни қисман ўзгартриб:

1. Белгиланган қўйилсинки, 1991 ва кейинги йиллар учун белгиланган топшириқдаги пахта толаси ва пилланинг 5 фозини ҳамда белгиланган ҳажмдан ортиқча олинган мазкур маҳсулотларнинг ҳаммаси мамлакат ичкарида ҳам ва ундан ташқарида ҳам колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги қорхоналари томонидан ихтиёрий равишда сотилади.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирилари Кенгаши, вилоятларининг ижроия қўмиталари ва районларининг ижроия қўмиталари, республиканинг кўрсатиб ўтилган маҳсулот турларини сотиш ва етказиб беришга дахлдор бўлган вазирилари ва идоралари ушбу Фармоннинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирилари Маҳкамаси ҳукуматнинг тегишли қарорлари ва ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1991 йил 4 октябрь.

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ ИШЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида билдирилган тақлифлар ва мулоҳазаларга мувофиқ ҳамда республикани, қорхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг етишган масалаларини зудлик билан, пайсалга солмай ҳал этиш, халқ хўжалигининг аҳоли турмуш таъминоти билан боғлиқ бўлган барча тармоқлари ишини яхшилаш зарурлигини эътиборга олиб, шунингдек, Вазирилари Маҳкамаси барча Комплексларининг ишларини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида ва Ўзбекистон Республикасини Конституцияси (Асосий Қонунининг) 120-моддасидан келиб чиқиб:

юқорида қайд этилган барча масалаларга бевосита раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси вице-президенти ўртоқ Ш. П. Мирсаидов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1991 йил 4 октябрь.

И. КАРИМОВ.

ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВ

Мамлакат Президенти ҳузуридаги сиёсий маслаҳат кенгашининг аъзолари А. А. Собчак билан академик Е. Велихов 7 октябрь кун Тошкентда бўлилар. Тошкент аэропортида уларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикасини вице-президенти Ш. П. Мирсаидов, Ўзбекистон Республикасини Фанлар академиясининг президенти М. С. Саломхонидов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Санкт-Петербург мэри А. А. Собчак билан суҳбатлашди.

Музокаралар чоғида мамлакатдаги ва Ўзбекистондаги аҳоли, савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисидаги жуда кўп масалалар муҳокама қилинди.

И. А. Каримов билан А. А. Собчак Ўзбекистон Республикасини ҳукумати билан Санкт-Петербург мэрисини ўртасидаги музокаралар тўғрисидаги ахборотни имзоладилар. Ҳужжатда иккала томоннинг яхши қўшничилик муносабатлари амал қилиб ва оқилона мақсадга мувофиқликка асосланган, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизига ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. 1990 йилги даражада турли мақсадлар учун ўзаро маҳсулотларни айирбош қилишни сақлаб қоллиш, келгуси йилдан бошлаб эса уни ўзаро келишилган маҳсулот турлари бўйича амалга ошириш мақсада мувофиқ деб топилди.

Бир кун олдин Ўзбекистон

Шу кунини А. А. Собчак бошлиқ Санкт-Петербург делегацияси Тошкентдан жўнаб кетди.

[ЎЗАТ].

1.

ЛОЙИХА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ДАСТУРИ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси стратегияси ва кундалик сиёсатининг олий мақсади инсон — қайси миллатга мансублиги, ижтимоий ҳаёли ва келиб чиқишидан, дини ва этниконидан қатъий назар унга нисбатан ижтимоий адолатни таъминлаш, муносиб турмуш ва меҳнат шартлари яратиш бериш, унинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, ор-номус ва қадр-қимматини, ҳаёқислигини ҳимоялашдан иборатдир.

I. ТАРИХ САБОҚЛАРИ ВА ЙЎЛНИ ТАНЛАШ

Ўзбекистон халқлари тарихининг совет даври аянчили ва эзидиятли бўлди.

1917 йилги Октябрь инқилоби сойиб Россия империясининг миллий ва мустақиллик ҳуқуқларини қўлга олиш ҳам халос бўлиш умидини уйғотди, халқ демократик кучларининг ҳақиқий давлат тузumi шаклланишига, ватанимиз халқларининг мустақил сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишига қаратилган ҳаракатига қудратли туртки берди.

20-йилларда илгор ижтимоий-сиёсий кучлар, шу жумладан коммунистлар ҳам республиканинг давлатчилигини мустақиллаш йўлини фаол ўтказишга интиди. Ўзбекистон иқтисодиётининг, илмий қудратининг шаклланишига қардош республикаларнинг кўмаги ҳам ёрдам берди, улар билан биргаликда халқимиз кўпгина қийинчиликлар ва маҳрумликларни енгиб ўтди, мамлакат тарихига кўп-лаб ёрқин саҳифаларни битди.

Бироқ вазиятнинг фожиявийлиги шунда эдики, 20-йиллар охирида маъмурий-бўйруқбозлик маркази юзата келди ва мустақиллаш, қайсики, у кейинги жараёнда ўз қўлига чекинаманган ҳокимиятнинг тўплаб, республикаларнинг мустақиллигини ҳам, энг оддий фуқаролар ҳуқуқларини ҳам оёқ ости қилди.

Ўзбекистон учун бу нарсалар империянинг ҳам ашё ўчоғи мақомига қайтишни аниқлатди. Илгор фикрловчи кишиларнинг эвровояликка қарши чиқишга уриниши уларнинг кўпчилиги шавфатчиларга қатагон қилиш билан якуланди. Яққоҳимликка асосланган тизим халқнинг маънавий куч-қувватига, ер-сув захираларига, экологияга, маданият, таълим, илм-фан, ёшлар тарбиясига катта зарар етказди. Аҳоли кўпчилиги қисмининг турмуш даражаси қашшоқлик чегарасига келтириб қўйилди. Миллатнинг ирсий фонди реал ҳавф остида қолди. «Пахта ишлари» деб аталмиш уйдирмалар асосида ёлгон айблар қўйиш ва ноқонуний қамаллар қўпгина оилалар учун фожигага айланди.

Босиб ўтилган йўл яққоҳимлик асосидан маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг буткул истибосидан, аслини олганда, халққа қарши сиёсат ақаллигини кўрсатди. Янқа партиявийлик ҳокимиятнинг асосида ақаллигини кўрсатди. Бу ерда КПССга жамиятнинг раҳбар ва раҳнамо кучи, аслини олганда эса яққоҳимликка асосланган ҳокимият тузилишларини ҳаракатга келтирадиган восита ролини берган эди. Ҳокимиятнинг қонунга ҳилоф равишда туртиб олган партия раҳбариятининг юқори доирасини мафкураний жиҳатдан ниқоблаш учун хизмат қилган ақид ва тартиб-қоидаларнинг бутун бир тизими барбод бўлди. Унинг бутунги кундаги инқирози, унитар давлатнинг амалда емирлганлиги объектив ва тарихан муқаррар жараёндир.

Ўзбекистон Компартияси ўз сафларига соф виждонли ҳамда адолат ва ҳақни тиклаш йўлидаги соҳиб бўлган юз минглаб кишиларни бирлаштирди. Кейинги йилларда у амалга ошираётган ишлар республика аҳолиси кўпчилиги томонидан маъқулланди. Аммо у ўзининг бутун тарихи мобайлида, камдан-кам ҳоллари истисно қилганда, сиёсий стратегияни ишлаб чиқишдан амалда четлаштирилган, КПСС марказий органларининг ҳаётдан ажралиб қолган қарорларига, улар йўл қўйган бузуғчиликларга, катта нуқсон ва хатоларга илсиз боғланган бўлиб, сиёсий ташкилот сифатида у ҳам ўз имкониятларини тугатди.

Унинг ўрнига Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси бутун ҳаётга кириб келмоқда. Халқ маъқуллаган барча қимматли ва илгор нарсаларни мерос қилиб олган бу партия янгиланган Компартия эмас, балки мазмунан ва фаолият жиҳатидан тамоман янги сиёсий ташкилотдир. У янги мафкура — соғлом фикр мафкураси партиясидир. У энг яхши халқ демократик аъёнларига, халқнинг тарихий таърибига, адолат, эъгулик, тенглик, шахс эркинлиги каби умуминсоний идеалларга, ахлоқ ва инсонпарварлик принципларига таянувчи партиядир.

Янқа ҳокимиятликка асосланган тизимнинг жиноятлари, инсон ҳуқуқларининг бузилганлиги ҳамда турғунлик даврида энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳал қилинмаганини жамиятнинг намунали барпо этишдан иборат бўлган коммунизм гоёсига нисбатан кўп кишиларнинг ишончига путур етказди.

Шу боисдан партия ўзи учун асосий йўналишлар сифатида инсонпарварлик ва демократия, меҳнат ахлоқини ва ижтимоий жиҳатдан нозор бўлган аҳоли таъабаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш гоёларини тақабал олади ҳамда инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш шакллари эркин танлашни кафолатлайдиган жамиятнинг сиёсий ҳамда давлат тузилишини бунёд этишга эришиш йўлида.

— сиёсий-иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат жамиятини;

— фақат битта мафкура, битта дунёқараш ҳукмрон бўлмай, балки сўз ва виждон эркинлиги, ахлоқ ва инсонпарварлик принциплари ҳукм сурайдиган, республика ҳудудига яшовчи барча халқларнинг аъёни ва урф-одллари, диний эътиқодлари, тил ва маданиятлари ҳурмат қилинадиган жамиятни;

— иқтисодий ва ҳўналик фаолияти мафкуралиштиришдан узилиб-қилинган, мулкчилик барча шакллари эркин ривожланиши ва тенглик таъминланган, амр-фармойишлар барҳам топтирилган ва тадбиркорлик учун эркинлик берилган жамиятни;

— аҳолининг иш билан бандлиги, биринчи навбатда унинг ижтимоий жиҳатдан нозор қатламлари: кексалар ва болалар, кўп болалик оилалар, ўқувчи ва талабалар, кам таъминланган ва ёлғиз яшовчи фуқароларнинг минимал истеъмол бюджетни кафолатланадиган жамиятни;

— миллат ва эллатидан, дини ва этниконидан, ижтимоий ҳаёли ва келиб чиқишдан қатъий назар барча фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этишлари учун сиёсий ҳаётда бир хилда имконият яратилиши кафолатланадиган жамиятни барпо этиш учун республика халқларига ўз куч-ҳаракатларини бирлаштиришни тақил қилади.

Партия фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиги, тадбиркорлик фаолиятига тўла иқтисодий эркинлик берилган ҳолда ҳаётнинг барча соҳаларида нитизом ва тартибни таъминлашни жамиятимизнинг ана шундай тарада барпо этилишига эришиш воситаси, деб билади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАШ, УНИНГ - ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА МУНОСИБ ЎРНИ ОЛИШИ УЧУН

1991 йил 31 августда Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди. Бундан буён Ўзбекистон мустақил республика си-

Партия мустақил Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллайдиган, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини эътироф этадиган ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қиладиган демократик давлат сифатида шаклланишига ҳар томонлама имкон ярата боради.

фатида ўз тақдирини ўзи белгилайди, тўпланган иқтисодий қудратга эгаллик қилади ва халқ фаровонлиги ҳамда манфаатлари йўлида тасарруф этади, мустақил ички ва ташқи сиёсатни амалга оширади. Ана шу тарихий қадамни кутлаб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий Қонундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ушбу қонунни республика ҳаётининг барча соҳаларида изчил рўйбга чиқариш учун ҳаракат қилади.

Партия республика ҳудудининг ахиллиги ва иқтисодий қудратини, унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлаш тарафдоридир. У Ўзбекистон таркибига ихтиёрий тарада кирувчи Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитетини ҳурмат қилиш наздида туради.

Партия ер, ер ости қазилмалари, табиий бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, барпо этилган илмий ва иқтисодий қудрат, унинг давлат мустақиллиги ва иқтисодий суверенитети моддий негизини таъминлайдиган меҳнат натижалари республиканинг мулк бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Республика ўз ҳудудига олтин, бошқа қимматбаҳо металл ва тошларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил равишда амалга ошириб ҳамда назорат қилиб, ўз олтин захирасини бунёд эта бориб, ўзининг валюта ва молия-кредит сиёсатини олиб бориш учун барча имкониятларга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг халқроқ миёсда эътироф этилиши, унк БМТга, бошқа нуфузли калқаро ташкилотларга аъзо бўлиш тарафдоридир. Ўзбекистон ташқи сиёсатини ўз халқининг манфаатлари йўлида белгилаб, халқроқ муносабатларда мустақил ва тенг ҳуқуқли субъект сифатида майдонга чиқиши керак.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси демократик йўналишдаги хорижий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилш учун ошар. У шунингдек, чет элларда ватаддошлар билан инсонпарварлик алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлашни, уларга республиканинг маданый ҳаётида, иқтисодий ва ижтимоий дастурларини рўйбга чиқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беришни ёқлайди.

Партия бошқа суверен республикалар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида шаклланаётган бевосита сиёсий, иқтисодий ва маданый алоқаларни ривожлантиришга ёрдам беришни, Ўрта Осиё ва Қозғистон халқларининг аъёнливи тарихий алоқаларини тиклаш, мустақамлаш ва ривожлантиришга, минтақанинг муштарак муаммоларини ҳал этишда уларнинг ҳамкорлик қилишига имкон яратиш зарур, деб ҳисоблайди.

У ягона иқтисодий маконга эга бўлган, ўларининг ташқи сиёсий куч-гайратларини тинчлиқни сақлаб қолиш, инсониятни ядровий ҳавф-хатар ва экология фалокатларидан қутқариш йўлида мувофиқлаштирувчи мустақил давлатларнинг эркин конфедерацияси тарафдоридир. Партия бошқа иттифоқдош давлатлар билан келишишлар, республика миллий мудофаси манфаатларини тўлақонли ҳисобга оладиган ҳарбий сиёсат ўтказишишни ёқлайди.

III. ИНСОНИЙ, ДЕМОКРАТИК ВА РАВНАҚ ТОПУВЧИ ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШ УЧУН

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Ўзбекистон Республикасидаги барча фуқароларнинг миллатидан, ижтимоий аҳоли ва келиб чиқишидан, дини ва этниконидан қатъий назар, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари, шахсий ҳаёқислигини ва мол-мулк ҳимоя қилинишига баб-баравар кафолатлар таъминлашни лозим деб ҳисоблайди.

Партия давлатнинг сиёсати ҳаминча фуқаролар тинчлиги ва миллий, тотувлиқ сиёсати бўлиб қолишига эришиш учун ҳаракат қилади. У республикада яшовчи турли миллатларга мансуб кишиларга уларнинг миллий ўзлигини аниқлашни қўлайтириш, фарсаҳларини она тилида тарбиялаш ва ўқитиш, уларнинг маданиятини ривожлантириш, диндорларнинг диний эътиқадларини қондириш, уларнинг тарихий ватани билан алоқаларини боғлаб туришлари учун барча шарт-шароитларни вужудга келтириш тўғрисида ҳамқўрлик қилиш ниятидир.

Яхши қўшнчилик, ўзаро ҳўрмат ва ўзаро ёрдам каби асрий халқ аъёнлиги жамиятини жиқлаштириш негизи бўлиб қолиши керак. Партия доимимандлик ва таъриба соҳиблари сифатида, маданый ва маънавий мерос давомийлигини қабиллари сифатида кекса аёлларга нисбатан аъёнливи иззат-ҳўрматини сақлаш ва ривожлантириш тарафдоридир.

Гаразли сиёсий мақсадлар ва митингбозлик стихияси эмас, балки қонун ҳукмрон бўлган жамият сари йўл — партиянинг бosh йўналишидир. Бундай жамиятда давлат ва фуқаро ҳуқуқини ўзаро ҳўрмат қилиб, ўзаро масъул эканликларини аниқлайдиган бўлади. Партия халқ ҳокимиятини мустақамлаш, давлат билан жамият ишларини бошқаришда халқ иштирокнинг гойат қилма-қил шакллари ривожлантириш учун ҳаракат қилиш ниятидир.

Партия ўзининг бутун сиёсий фаолияти билан ҳуқуқий давлатнинг қарор топишига қўмақлашни ниятидир. Бундай давлатда демократия ва қонунчилик ҳокимиятини қонун қўрувчи, яқрона ва суд ҳокимиятларига ажратиш йўли билан таъминланади. Демократиянинг асосларидан бири — дунёвий ҳокимият принципини мустақам қарор топтирилиши лозим.

Демократик йўл билан қабул қилинган қонунлар ва қарорлар ана шу ҳўжжатларни онгли равишда ҳўрмат қили билан марказда ва жойларда кучли ижрочилик ҳокимияти билан, мустақамлашни керак.

Барча учун баробар, мустақил, барча томонидан тан олинадиган ва ҳўрмат қилинадиган одил суд давлатини ва ундаги ҳар бир фуқароннинг манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлашни лозим.

Сиёсий партиялар бевосита ҳокимият ваколатларини ўз зиммасига олмасликлари керак, деб ҳисоблайди. Ижтимоий турмуш мафкуравийлаштирилишига қарши, қандай бўлмасин ижтимоий-сиёсий кучнинг ҳақиқат ва адолатга таъно эгаллигига қарши қатъий фикр билдиради.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси бошқа ижтимоий сиёсий кучлар билан эркин мусобақада сиёсий раҳнамолик эришиш, ўз дастурини ишлаб чиқиб ва жамиятга тарқатиш, ҳокимият органларига сийловларда ўз номзодларини кўрсатиб ҳамда қонунга бийноқ уларнинг қўллаб-қувватлашни ва сайланишини таъминлаш ниятидир. У ўз сиёсий йўлини давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқарувчи жамоат органларига сайланган партия аъёлари орқали ўтказида.

Партия бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан ўзаро муносабатларини ҳамкорлик ва мусобақалашш принциплари, иттифоқлар ва зарур мурасозлиқлар асосида қўради. У қасаба уюшмалари билан, ўзига хайроҳ бўлган ва ижтимоий тараққиёт учун қўраётган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ҳамкорлик ҳамда шериклик учун очинди.

2.

IV. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА—БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ САРИ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси иқтисодий мустақиллиқ сиёсий мустақиллик қўруқ гапдан иборат бўлиб қолади, деб ҳисоблайди. Иқтисодий мустақиллик — бу жаҳон ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилган ҳолда ўз кучларига таянишдир. Бу — аввало республика ҳудудига яшовчи кишиларнинг манфаатларини қўллаб унинг табиий бойликлари, бунёд этилган қудрати ва ишлаб чиқараётган маҳсулотидан фойдаланишдаги тўла мустақиллиқдир.

Партия республиканинг ижтимоий-иқтисодий таъинлигини қиқши ҳамда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва нуфус ривожланишининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишни янги йўллари излаш ва қўйидаги белгиланган йўллари иқтисодий ривожлантириш тарафдоридир. Бунда республика аҳолиси кўпчилигининг аъёнливи турмуш тари ва шахсий ҳаётининг асосий принциплари муҳим аҳамият касб этади.

Партия ҳар томонлама йўлга ёндашиш, кишиларнинг манфаатлари ва эътиқадлари устиворлигини таъминлаш асосида бозор муносабатларини бошқича-бошқич шакллантириш тарафдоридир. Бунда ҳаддан ташқари сустнашлик ҳам, ҳар бир бошқича ўзига хос хусусиятлар ва реал имкониятларни ҳисобга олмасдан туриб бозор унсурларини ўта жадал жорий этиш ҳам бир хилда нозор нозорбўлди.

Бутун ўтти даврининг асосий вазифаси — аҳолининг ижтимоий жиҳатдан нозор қатламларининг давлат томонидан ҳимояланишига қаролат беришдир.

Иқтисодий сиёсатни мафкуралиштиришдан холи қилиш изчил амалга оширилиши керак. Бу эса иқтисодиётни соғлом фикр тарзига ўтказишни, юз бераётган жараёнларни, турли ижтимоий гуруҳларнинг шаклланаётган манфаатларини реал ҳисобга олиш, моддий рағбатларни, меҳнатнашларнинг юқори унумли меҳнатдан манфаатдорликларини ривожлантиришни аниқлатди.

Партия ҳозирги шароитда республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг истиқболли йўли — унинг мулкчилик барча шакллари билан тенг ҳуқуқлигига ҳамда иқтисодий масъулият юқори даражада бўлган чогда соғлом тадбиркорлик ва ҳусусий ташаббускорликни рағбатлантиришга асосланган кўп укладлиликни, деб ҳисоблайди.

Давлат мулкчилиги фақат саноатнинг бааз тармоқлари, ҳаво ва темир йўл транспорт, алоқа, магистрал қўлиш керак. Бошқа тармоқларда давлат корхоналари билан тенг равишда ақилдорлик, кооператив ва ҳусусий корхоналар ривожланиши мумкин ва лозим, лекин ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояланиши ҳамда улар фаолияти ўсишдан давлатнинг иқтисодий назоратини таъминлаш мажбурий шарт қилиб қўйилиши керак.

Партия ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан шахсий фойдаланишга ва иқара принциплари асосида эгаллик қилишга кенг миёсда топшириш тарафдоридир. У кооператив, жамоа ва янқа тартибдаги деҳқон ҳўжаликлари билан тенглигини ёқлайди.

Мулкни давлат эгаллигидан қиқариш ва ҳусусийлаштиришнинг амалга оширилишини кўп укладли иқтисодиёт шаклланишининг муҳим шарти деб билам экан, партия сойиб давлат мулк «хўф» капитал қўлига ўтиб қолмаслиги учун сабот билан қўрашади. Қаттиқ давлат ва жамоат назоратини, ошқоралигин, меҳнат жамоалари учун мустақам ижтимоий кафолатларни таъминлаш зарур.

Партия иқтисодиётни чўқур таркибий қайта қуришни, халқ ҳўжалиқини комплексининг бир томонлама, янқа ҳокимлик тизимидан мерос бўлиб қолган хом ашё йўналишини тезроқ бартараф этишни ёқлайди.

Истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича тармоқларнинг иқтисодлаштирилган комплексини, фан-техника тараққиётининг ютуқларини ва замонавий технологияларнинг кенг жорий этиш асосида хом ашёни узи-кесил тайёр маҳсулот қилиб қайта ишловчи тугалланган туркумли корхоналарни бунёд этиш сари, мудофаа корхоналарининг соҳасини пухта ўйлаб ва мувофиқлаштирилган тарада ўзгартириш сари бурилишни амалга ошириш зарурати етилди. Ҳамма жойда хорижий шериклар билан ҳамкорликда корхоналар қурилиши учун шарт-шароит яратилиши лозим, бу эса илгор технологияни ўзлаштириш, ҳўжалиқни ташқи қилиш ва бошқаришнинг жаҳондаги таърибсини эгаллаш, юқори малакали миллий ишчи кадрлар ва мутахассислар армиясини таъминлаш имконини беради.

Партия ташкилотлари халқ ҳўнармандчилигини ва бадий иқтисодиётни, халқ усталари ишлаган буюмларда мўжассамланган ўзига хос маданиятни тиклашга доир ҳокимият ва бошқарув органларининг олиб бораётган ишларини ўз ичига олиб барча сиёсий воситалар ёрдамида қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси пахта янқаҳокимлигини рад этиб, шундай ҳуқуқни ва иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш учун ҳаракат қиладики, бундай шарт-шароитлар қишлоқ ҳўжалиқ ишлаб чиқаришининг барча қатнашчилари республика аҳолисининг қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотига бўлган эътиёжларини қондириш рағбатлантирган, одамларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан пухта таъминлаш имкониятини яратган бўлур эди.

Шахсий ёрдамчи ҳўжаликлари янада мустақамлаш, томорлар ҳажминин республиканинг ҳамма жойларида 0,25 гектарга етказиш гойат муҳим давлат вазифаси бўлиб қолиши керак. Партия бу нарсани қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳимояланиши, янқа тартибда уй-жой қурилиши, жамоат ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган кўп болали оналари иш билан таъминлаш, оилаларнинг ўзини-ўзи таъминлаши ва озиқ-овқат бозорини тўлдирш учун озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш масалаларини ҳал этиш йўлида зарур негиз яратида, деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари шахсий ёрдамчи ҳўжалиқлар эгалари уюшмаларининг деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, техника, бинокорлик материаллари, чорва моллари, уруғлик, озуқа ва қишлоқ аҳолиси учун зарур бошқа ресурслар билан таъминлашда уларга амалий ёрдам қўрсатиш борасидаги фаолиятини фаол қўллаб-қувватлайди. Ушбу уюшмалар бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида деҳқонини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларини ўз зиммаларига олишлари керак.

Партия қишлоқ аҳолисининг меҳнат ва турмуш шарт-шароитларини яхшилашни агар сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири, деб билади. У қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришга, қишлоқ хонадорларини сув билан таъминлаш ва газлаштириш муаммоларини тўдан ҳал қилиш йўлидаги маблаг ажратиш ва кредит сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Партия учун асосий йўналиш — кишилар ҳаётининг муносиб даражада бўлиши, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги, ижтимоий адолат принципларига оғимай рноқ қилинишидир. У давлат органларининг ролин тақсимот муносабатлари тизими, солиқ сиёсати, имтиёзлар, муайян мақсадларга маблаг ажратиш ва бошқа иқтисодий воситалар орқали кишиларнинг турмуш даражаси бўйича кексин бўлинишига йўл қўймаслиқда қўради. Аҳолининг бир қатлами бошқа қатламлар нашоқланиши ҳисобига боийини юз берадиган заминини бартараф этиш муҳимдир.

Партия ташкилотлари аҳолининг кам даромадли ва энг нозор қатламлари ишончи ижтимоий ҳимоя қилинишига ҳаракат қилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари тўғрисида, уларга нормал турмуш шарт-шароитлари яратиш, уларнинг пенсия таъминотини изчилик билан яхшилаш тўғрисида алоҳида ҳамқўрлик қилиниши зарур. Партия пулнинг қадрсизланишига боғлиқ ҳолда мунтазам ўзгартирган расмий камбағаллик даражасидан паст бўлмаган кун кеириш даражасини жорий этиш тарафдоридир. Нарх-наволарнинг ошиб кетганлиги муҳтож кишиларини биринчи навбатда зарур моллар билан имтиёзли нархларда таъминлаш, пенсия, нафақа, стипендия, жағмармалари ҳам қўшиб ҳисоблаганда даромадларини индекслашни жорий этиш йўли билан қонлаиши керак.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республиканинг нуфус хусусиятларини ҳисобга олганда «Иш билан бандлик» давлат республика дастури доирасида маҳаллий аҳолининг миллий-маданый турмуш тари, онланинг аъёнливи сарфаразандлиги, унинг тарихан шаклланган истиқомат жойларига боғланганлигини ҳисобга олиб туриб, аҳолининг иш билан бандлиги, қўшимча иш жойларини барпо этиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этиш жуда катта аҳамият касб этади.

Партия табиат билан уйғунлиқни сақлаб қола оладиган жамиятга тарихий ривожланиш истиқболига эга, деб ҳисоблайди. У атроф-муҳитнинг экологик мувозанат шак-шўбақасиз амал қилишга, минтақавий ва жаҳоншумул экологик муаммоларни илмий асослаб туриб, тўдан ҳал этишга қаради. Экологик жиҳатдан зарарли ишлаб чиқаришларнинг соҳаси ўзгартарилишини, атроф-

муҳит ҳолати устидан доимий назорат ўрнатилиши ва бунинг натижалари ошқор бўлишини таъминлаш керак.

Партия ҳалокат ёқасида турган Орolni қутқариб қолиш, Орол бўйидаги экологик ва санитария ҳолатини соғломлаштириш учун барча кучларини ишга солади. Бу вазифалар қўшни республикалар билан яқиндаги ўзаро ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти иштирокида ҳал қилиниши керак.

Партия Ўзбекистоннинг бошқа республикалар — мустақил давлатлар конфедерацияси аъёлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожлантириш ҳамда чўқурлаштириш, бунда ягона иқтисодий маконни бошқича-бошқич шакллантириш, минтақалар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бошланғич шарт-шароитини тенглаштириш, тангликдан қиқинишни келишиб олган ҳаракатларини амалга ошириш — тўпланиб қолган муаммоларни муваффақиятдан ҳал этишга имкон беради, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши, унинг халқро ҳуқуқнинг мустақил субъектига айланиши билан ташқи иқтисодий

3.

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Миллати, ижтимоий мавқеи, тили, динга муносабатидан қатъи назар, республиканинг барча фуқаролари ўрта, махсус, олий таълим олиш учун баъзари имкониятларга эга бўлишлари даркор. Давлат мактаби билан биргаликда аҳолининг хилма-хил эҳтиёжларини ҳисобга олувчи муқоаб мактаб фаолият кўрсатиши мумкин. Бунда жамоат мактаби, шубҳасиз, мутлақо дунёвий тусда бўлиши зарур.

Партия ҳунар-тайёргарлиги тизими сақланиши ва мустақиллигини, унинг умумтаълим мактаби билан ўзаро узвий боғлиқлиги тарафдоридир. У Ўзбекистонда янги таълим-ҳунар тузилмалари: техника мактаблари, коллежлар ва таълимнинг узлуксизлигини таъминловчи бошқа тузилмаларни барпо этиш жараёнини фаол қўллаб-қувватлайди.

Партия ташкилотлари давлат миқёсида қабул қилинаётган тадбирларни қўллаб-қувватлайди ҳамда бозор иқтисодиёти талаб-эҳтиёжларига мувофиқ республика муҳандислари ва иқтисодчиларини қайта тайёрлашда бевосита иштирок этади.

Ўқув юртли ва илмий муассасаларнинг мустақиллигини ривожлантириш, уларнинг ташкилий шакллари хилма-хиллиги таъминланиши, ўқувчилар ва талабаларнинг ўзини ўзи бошқаришга бўлган иштирокига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши лозим. Айни пайтда партия ўқув юртли ва илмий тарбия вазифаларини ҳал этишга тўққонлиқ қилувчи сиёсий эҳтирослар майдонига айлантирилишига қатъий қаршидир. У шунингдек, ижтимоий фанларни ўқитишдан тарихни сохталаштириш ва сиёсий навраб-бозорлар учун минбар сифатида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари илмий зиёлилар билан амалий алоқаларни изчил ривожлантириб ва чуқурлаштириб боради.

Биз мавжуд фан-техника имкониятидан самарали фойдаланиш, қисқа муддатда истиқболли ихтиролар ва ишланмаларни жорий этувчи уюшмалар, жумҳуриятнинг ақл-заковат мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, муал-

лифлик ҳуқуқини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш тизими барпо этилиши, шу муносабат билан амалдаги қонунлар қайта кўриб чиқишнинг тарафдоримиз. Республика мақомининг ўзгариши бошқа республикалар ҳамда хорижий мамлакатларнинг илмий жамоалари ва олимлари билан таркиб топган алоқаларни бузишга олиб келмаслиги зарур.

Биз ақл-заковат имкониятини жадал ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллиги ва гуллаб-яшнаши таъминлаб бўлмаслиги тўғрисидаги теран ва равшан тушунчани одамлар онгига синдиришимиз зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда партия, айниқса, ўткир минтақа муаммоларига оид илмий ишларни маблағ билан таъминлаш кўпайтирилиши, илм-фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш юзасидан мустақил республика валюта жамғармаси ташкил этилиши учун курашади.

Жамиятдаги демократик жараёнлар, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ривожланиши партиянинг мафкуравий ишига сифат жиҳатидан янгича ёндашувлари талаб этади. Ҳақиқат, тарихий ҳолислик, турли дунёқарашларга нисбатан сабр-тоқатли бўлиш, ақидалараслик ва маддоҳликдан воз кечиш, миллатчилик, шовинизм ва экстремизмга нисбатан қатъийан муроасасизлик янги мафкуранинг асосий қондаларидир.

Партия оммавий ахборот воситаларида демократик ўзгаришлар, уларда фикрлар ва баҳолар хилма-хиллигини эркин еритиш, айни пайтда журналистларнинг мақолалар ва эшиттиришлар ҳаққонийлиги ва ҳолислиги учун масъулиятини ошириш тарафдоридир.

Дахрийлик ва дин тўғрисидаги сохта тасаввурлардан тамомил халос бўлиш, маънавий изланишлар учун ҳар бир кишига кенг имкониятлар очиб бериш, шахсининг ўзини маънавий камол топтиришга, ўзининг ҳаётини йўналишларини эркин ва онгли танлашга интилишини ҳар томонлама рағбатлантириш керак.

Партия фақат материалистик дунёқарашгагина эмас, балки турли дунёқарашга амал қилувчи барча кишилар учун очкидир. У динга ишонутилар билан дахрийлар ўртасида мулоқот, умуминсоний маънавий қадриятлар, меҳр-

4.

шафқат, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш соҳасида турли диний бирлашмалар билан ҳамкорлик тарафдоридир.

VII. ЎЗИДА МАДАНИЙ ВА ТАРИХИЙ МЕРОСНИ МУЖАССАМЛАШТИРГАН ЭРКИН ВА УЙҒУН КАМОЛ ТОПГАН ШАХС—ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЧЎҚҚИЛАРИГА ЭРИШИШДА АСОСИЙ ТАЯНЧ

Республика истиқболга интилмоқда. Мана шу қийин ва машаққатли йўлда ёшлар унга асосий таянч бўлиши зарур. Айни ёш авлод республиканинг тақдирини ўз зиммасига олиши ҳамда уни тараққиёт ва фаровонлик сари дадил бошлаб бориши керак.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси давлатнинг ёшларга нисбатан изчил, ягона сиёсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришнинг ташаббускори ва сиёсий гарови бўлиш ниятидадир.

Ёш авлоднинг ижтимоий қарор топтириш учун, эркин ва уйғун баркамол шахсини тарбиялаш учун сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, моддий-техникавий шарт-шароитлар ва қарорларнинг вужудга келиши ёшларга оид ана шундай сиёсатнинг бош мақсади бўлмоғи даркор.

Партия ёшларга сох ижодий изланишни, ташаббускорликни, омилидорликни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайди, ёшларнинг тўлақонли дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқаришини йўлга қўйишда ёрдам беради.

Биз — республикамизнинг ёш фуқароларида меҳнат-севарлик ва ахлоқийлик юксак қондаларини шакллантириш учун барча давлат ва жамоат тузилмалари ҳамкорлиги қилиши тарафдоримиз. Биз мана шу олижаноб ишда оналар, маҳаллалар, ўқув юртли, маданият муассасалари ва оммавий ахборот воситаларининг куч-гайратлари бирлаштирилиши тарафдоримиз.

Партия ёшлар халққа мос инсонпарварлик аъёнчаларининг муносиб вориси бўлиши, ўзларига жаҳон маърифати

ва маданиятнинг энг яхши ютуқларини синдириши учун жамият ҳамма ишини қилиши керак, деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари ёш истеъодларнинг ўсиши, улар қўбиллатилган ҳамда ижодий имкониятларининг равишга топиши учун ҳар томонлама имкон яратиб боради.

Ҳаётда қўбиллатилган болаларни жуда ёшлигидан аниқлаш, улар учун ихтисослаштирилган ўқув юртлини барпо этиш, истеъодли ёш олимлар ва талабаларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда ўқув марказларига ва хорижга юбориш давлат сиёсатининг устивор йўналиши бўлиб қолиши керак. Ёшларга чет тилларни ўргатишни, бозор муносабатларини ўрганиш (маркетинг), ишлаб чиқаришнинг бошқариш (менеджмент) соҳасида, республиканинг жаҳон бозорига чиқиши билан боғлиқ бошқа фаолият соҳаларида мутахассислар тайёрлашни жиддий равишда кенгайтириш зарур. Маҳаллий миллатларга мансуб кишилардан малакали ишчи кадрлар ва мутахассисларни жадал тарзда шакллантириш, уларни республикадан ташқариди, шу жумладан, иқтисодий жиҳатдан гойта тараққий этган мамлакатларда ўқитишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Бунда таълим учун ўсиб бораётган ҳаракатларни давлат ўз зиммасига олиши керак. Олий ва ўрта мактабни ривожлантиришнинг мураккаб муаммолари ўқувчи ёшлар ҳамда уларнинг оналарига ҳисобга қўл қилинишига йўл қўйиб бўлмайди.

Ёшларга доир сиёсатни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда партия ташкилотлари ёшларнинг жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари билан кенг ҳамкорлик қилиш, шерикликка, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларини фаол қўллаб-қувватлашга интилади.

Партия ҳозирги комсомол ворисларининг ташкилий мустақиллигини ҳурмат қилади ва бунга ривоят этади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида уларга кенг ҳуқуқлар берилиши учун ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси сиёсий ҳаракатлар партиясидир. У Ўзбекистон келажак учун ўзини масъул деб билади. Адолат ва тараққиётга, ҳамжиҳатликка, Ватанимиз — мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олишига интилаётган кишилар учун таъийн бир қутбдир.

1.

ЛОЙИХА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ— ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси (Ўзбекистон ХДП) ўз аъзоларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи республика сиёсий ташкилотидир. Унинг бош мақсади — Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун ижтимоий адолатни, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгилашни таъминлашдан ibорат. Партия мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайдиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни Декларациясини тан оладиган ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустақамлаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қилган демократик ҳуқуқий давлат сифатида қарор топтиришга эришиш ниятидадир.

Партия халқ-демократик аъёнчаларига, умуминсоний қадриятларга, ахлоқ ва инсонпарварлик принципларига

I. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ—ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА АЪЗОЛИК

1. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, партиянинг дастурий мақсадларини тан оладиган ва унинг Низомига бажарадиган, партияни мунтазам равишда моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турадиган фуқароси Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига аъзо бўлиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, виждон эркинлигини, дахрий ёки диндор бўлиш ҳуқуқини чекламайди. Унинг аъзоси бошқа сиёсий партияларда бўлиши мумкин эмас.

2. Партиянинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Улар: партия сиёсати, партия ички турмуши масалаларини эркин кўтариб чиқиш ва муҳокама қилиш, шу масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишда қатнашиш; партия органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

— ҳар қандай партия органига ва партиянинг ҳар қандай аъзосига баҳо бериш, уларни танқид қилиш; ҳар қандай партия идорасига ариза ва тақлифлар билан муножаат этиш ва ундан жавоб олиш;

— фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунарига мувофиқ олиб бориладиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва Низоми қондаларига эид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ХДП аъзолари ўртасидаги муносабатлар партиявий ўртоқлик принциплари асосида бўлади. Унинг ташкилотлари ва сайланадиган органларида танқид учун тўққонга йўл қўйилмайди. Дастурий мақсадлар ва Низоми қондаларига хилоф бўлмаган барча ҳолларда партиянинг ҳар бир аъзосига унинг ижтимоий фаолияти ва қонунада рухсат этилган бошқа фаолиятида партия ташкилотлари ва сайланган органларининг сиёсий мадади ҳамда унинг конституциявий ва бошқа ҳуқуқлари қамсатилган тақдирда нафсонияти ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши таъминланади.

3. Партия аъзоси: — партия қарорларини бажаришга; — Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг жамиятдаги обрў-эътиборини мустақамлашга ва тасирини кучайтиришга эришиш учун ҳаракат қилишга; — ўзи танлаган бошланғич партия ташкилотларидан бирининг ҳисобида турлишга, унинг ишида қатнашишга ёки ўзига тарада партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда кўмаклашишга, партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб туришга;

— Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатлар вакилларининг миллий аъёнчаларига, тарихий ва маданий меросига, тилига ҳурмат билан муносабатда бўлишга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлаш тўғрисида бутун чоралар билан ғамхўрлик қилишга;

— шахсий намунаси билан ижтимоий ахлоқ ва маънавий нормаларини қарор топтиришга мажбурдир.

4. Партия аъзолигига қабул унга кирувчининг аризасига биноан яқна тартибда амалга оширилади.

Партияга қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида қабул қилинади ва йиғилишда ҳозир бўлган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий ва узил-кесил деб ҳисобланади.

5. Бошланғич партия ташкилотлари ва барча поғоналардаги партия органлари партия низоми ва ижти-

асослаиб, меҳнат аҳлининг ижтимоий аҳволдан, келиб чиқишидан, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар уларнинг манфаатларини нобода этади ва ҳимоя қилади. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси — сиёсий устулда билан жамиятни янгилаштиришга ҳаракат қилади, ўзбек халқининг ва республикада яшовчи барча халқларнинг миллий аъёнчалари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш асосида ирқчилик, миллатчилик ва шовинизмни, миллатларча ва ижтимоий моҳароларнинг авж олдирилишини қатъийан рад этади.

Халқ-Демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунарига доирасида ҳаракат қилади, жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий эркинлик, тенглик ва ижтимоий адолат принциплари асосида барпо этиш ғояларига содиқ бўлиб қолади.

моий ахлоқ нормаларини бузганлиги учун партия аъзоларига нисбатан коллектив равишда муҳокама қилиш ва ўртоқларча танқид шаклида партиявий тарбия чораларини кўришлари мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДП Низоми талабларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва ҳулқ-атвори учун партия аъзосини унинг сафидан чиқариши мумкин. Бу ҳақдаги қарор партия ташкилоти йиғилишида қабул қилинади ва мазкур ташкилот ҳисобида турувчи партия аъзоларининг ярмидан кўпроги шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Партиядан чиқарилган киши уч ой мобайнида юқори партия органларига шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой муддат ичида кўриб чиқилади.

Узрли сабабсиз аъзолик бадалларини тўламаган партия аъзоси тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилотиди кўриб чиқишли лозим. Агар бунда партия аъзосининг партия билан алоқани ўзгалтириш аниқланса, унинг партия сафларидан чиқиши тўғрисида қарор қабул қилинади.

Партияга аъзолик партия аъзосининг ихтиёрий равишда партия сафларидан чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан ҳам тўхтатилади.

II. ПАРТИЯНИНГ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

6. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экология ва бошқа дастуриларини ишлаб чиқиб ҳамда уларни жамиятга тақлиф этиб, бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан эркин мусобада сиёсий етакчилиikka эришиш учун ҳаракат қилади.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президентини, республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг халқ депутатлари сайлово чоғида ўз номзодларини кўрсатади, уларнинг қонунда рухсат этилган барча воситалар билан аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишига ва сайланишига эришиш учун ҳаракат қилади.

7. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ўзининг сиёсий йўлини давлат ҳокимияти идораларига ва ўзини ўзи бошқарув жамоат органларига сайланган партия аъзолари орқали ўтказиши, улар орқали қонунда белгиланган тартибда қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир тақлифларни киритади.

Партия аъзолари бўлган депутатлар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш учун ўз ваколатлари даврида сайланадиган тегишли ҳокимият органларига Ўзбекистон ХДПнинг партия гуруҳлари (фракциялари)га бирлаштирилиши мумкин. Партия аъзолари раҳбар партия органларидан мустақил бўлган, аммо Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси номидан ҳаракат қиладиган гуруҳлар ёки фракцияларни тузиши мумкин эмас.

Партия гуруҳлари (фракциялари) партия курултойлари ва конференцияларининг қарорларига амал қилади, сайланадиган тегишли партия органларининг тасияларини эътиборга олади.

Сайловда бошқа сиёсий партиялар ғалаба қозонганида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг тегишли ҳокимият органлариди партия гуруҳлари (фракциялари) ана шу партияларнинг фракциялари билан ҳамкорлик қилишлари ёки амалий оппозицияни эгаллашлари мумкин.

8. Партиянинг бошланғич ташкилотлари ва сайланган партия органлари партиянинг сайловолди ҳаракат дастуридан амалга ошириш мақсадида ўз вакилларини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларидаги аниқ жойларга тасвия этилиши мумкин ва сайланадиган ҳокимият органларининг тегишли партия гуруҳлари (фракциялари) орқали уларнинг сайланишига ёки тайинланишига эришиш учун ҳаракат қилади.

III. ПАРТИЯНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

9. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ташкилий муштараклик ва партиявий ўртоқлик қондаларига мувофиқ ишлайди ва ҳаракат қилади. Бу қондалар:

- партия ташкилотларининг ўзини ўзи бошқаришини;
- партиянинг барча органлари сайлаб қўйилишини;
- партия органлари ва уларнинг аъзолари уларни сайлаган ташкилотлар олдида ҳисобот беришини;
- ишда ошкоралик, рўй-ростлик ва ҳамжиҳатликни;
- фикр бидиришда эркинликни, турли қарашларни таққослашни, ошқора танқид ва ўзини ўзи танқидни;
- барча ташкилотларнинг иштирокида бамаклашатишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга ҳаракат берилиши таъминлади.

10. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси асосан ҳудудий белгисига қараб тузилади. Бунда қонда тарқисада бошланғич партия ташкилотларини ҳудудлар бўйича район, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар партия ташкилотларига бирлаштириш кўзда тутилади.

11. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча ташкилотлари ўзининг ички турмуши ва фаолиятини уюштиришда мустақилдирлар.

12. Умумий йиғилиш, конференция, курултой партиянинг раҳбар органлари ҳисобланади. Улар партия ташкилоти аъзоларининг ярмидан кўпроги ёки сайланган делегатларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда қонуний ҳуқуқга эга бўлади.

Раҳбар партия органлари ижроия органларини (партия ташкилотларининг Кенгашлари, ижроия бюрослари) ва тафтиш комиссияларини сайлайди ҳамда уларга зарур ваколатлар беради.

Тафтиш комиссиялари партияга аъзолик бадаллари қай тарзда тўланаётганини назорат қилади, партия ташкилотлари ва муассасаларининг партия бюджетини ижросини ҳамда молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этади. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтининг ўзида тегишли партия ижроия органининг аъзолари бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

13. Партия ташкилотлари, сайланадиган органлари ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал қилиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларнинг улар ишида қатнашишининг Низомига хилоф бўлмаган ҳар қандай шаклларида фойдаланишлари мумкин.

Партия аъзоларининг ёки раҳбар ва ижроия партия органларининг ташаббуси билан партия клублари, назарий семинарлар, сиёсий марказлар ҳамда қизқич ва муаммолар бўйича, шу жумладан, касб-кор белгиси бўйича ҳам бирлаштиришнинг бошқа шакллари ташкил қилиниши ва ишлаши мумкин.

Улар партиянинг тарихий тузилмалари бўлмай, партиянинг дастурий ҳужжатларига асослаиб, турли масалаларни муҳокама қилдиладар ва улар ҳусусида ўз нуқтаназарларини ишлаб чиқадиладар, ҳар қандай поғонадаги партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари муҳокамасига тақлифлар ва лойиҳалар киритади.

14. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча органлари сайлаб қўйилади. Улар йиғилишларда, конференцияларда, курултойларда ёки бевосита ёқд кўнотлар бўйича қўпи партия ташкилотларининг тўғридан-тўғри вакил қилиб юборилари йўли билан сайланадилар. Ана шу партия ташкилотлари ўз вакилларини қажириб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Партия йиғилиши, конференцияси, курултойининг, сайланадиган органининг ихтиёрий кўра, овоз бериш яширин ёки очиқ бўлиши мумкин.

Партия аъзолари сайлов чоғида номзодларини чекланмаган миқдорда, шу жумладан, ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва далиллар асосида рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

15. Партия органларининг таркиби тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмининг бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига мувофиқ ёки сайланган органининг айрим ёқд барча аъзоларининг ихтиёрий равишда истефо бериш тўғрисидаги аризасига биноан уларнинг ваколат муддати тўғрисида аввал янгилашни ёки тўла-тўқис қайтадан сайланиши мумкин.

16. Партия ташкилотлари ва сайланган органларида кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор барча учун мажбурийдир. Озчилик ўз нуқтаназарини раҳбар ва ижроия партия органларига, оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, кўпчилик маърузалар билан чиқиш, ўз фикрини баённомаларда қайд этириш, баҳсли масалаларнинг қайта кўриб чиқишлишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия ташкилотлари ва сайланадиган органларининг дастурий мақсадларига ва унинг Низомига эид бўлмаган қарорларини юқори органлари бекор қила олмайдилар, партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустаснодир.

17. Партиянинг сайланадиган органлари асосан жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар ўз ваколатлари даврида ўзларига бўйсунадиган, меҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини тузиши мумкин. Бу аппарат улар фаолиятида ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, социология тадқиқотлари ўтказиш, ташкилий ишлар ва маслаҳатлар бериш хизмати ўтайди.

18. Партия ташкилотлари ва сайланадиган органлари ўз оммавий ахборот воситаларини тасис этишлари ёки тасис этувчиларнинг шериклари бўлишлари мумкин.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

19. Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг негиз ҳисобланади. Улар ташкилотга бирлаштириш истовчи камида 5 нафар партия аъзоси бўлган тақдирда олатда район, шаҳар ҳокимияти (ўзини ўзи бошқариш) органларига сайлов ўтказуви бир ёки бир қанча сайлов округи доирасида тузилади ҳамда тегишли район, шаҳар ташкилоти кенгашининг ижроия бюроси томонидан руҳхатга олинади.

2.

Амалдаги қонунларга хилоф бўлмаган жойларда бир қорхонада, ишлаб чиқариш бирлашмасида, ҳўжалик, муассаса, ташкилотда ишловчи партия аъзоларини бирлаштирадиган ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари тузилади.

Амалдаги қонунга мувофиқ партия тузилмаларини ташкил қилишга йўл қўйилмайдиган қорхоналарда, ташкилотлар ва муассасаларда ишловчи партия аъзолари ҳудудий партия ташкилотларининг бирида ҳисобда турадилар ва ўзининг партиявий бурчини иш (хизмат) жойидан ташқарида ишдан бўш вақтларида бажарадилар.

3.

ЛОЙИХА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ- ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ

(Давоми. Боши учкчи бетда).

Кенгаш ўз мажлисида ўзининг таркибидан Кенгаш котибларини ва ижроия бюросининг бошқа аъзоларини белгиланган тартибда сайлайди. Зарур ҳолларда конференция томонидан унга берилган ваколатларга мувофиқ Кенгашнинг биринчи котиби тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Кенгаш ижроия бюросининг ваколатларини ва ишнинг асосий йўналишларини белгилайди, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар йили тинглаб туради.

Кенгаш мажлислари заруратга қараб, аммо ҳар йрим йилда камда бир марта ўтказилади.

25. Ижроия бюро тегишли Кенгашнинг қарорлари ба-жарилишини ташкил қилади, шу мақсадда қўйи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирилади, Кенгашнинг ишчи аппаратида бевосита раҳбарлик қилади.

ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

26. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурул-тойи унинг олий органидир. Навбатдаги қурултойлар партиянинг Марказий Кенгаши томонидан ҳар 5 йилда камда бир марта, одатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутатлари савойи ўтказилади. Сайлов кампанияси бошланишидан олдин қабул қилинади. Марказий Кенгашнинг қурултойи қақриш, унинг қўн тартиби ва вакиллик меъри тўғрисидаги қарори қурул-тойга камда бир ой қолганда эълон қилинади.

27. Партиянинг навбатдан ташқари (фавқулодда) қу-рултойи Марказий Кенгашнинг ташаббуси билан ёки пар-тия аъзолари умумий сонининг камда учдан бир қисми-ни бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига му-вофиқ қақрилади. Бу ҳолда қурултой Марказий Кенгаш томонидан бир ой мuddат ичида қақрилади ва унда бар-ча партия аъзоларининг камда учдан икки қисмининг вакиллик таъминланган тақдирда қўнуний ваколатга эга деб ҳисобланади.

28. Партиянинг Марказий Кенгаши доимий ишловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. У Қо-рақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша-ҳар партия ташкилотлари унинг таркибига делегат қи-либ сайланган белгиланган тенг сонли вакилларида иб-орат бўлади.

29. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурул-тойи:

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг дасту-рий ҳужжатларини қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгарилади;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низо-мини қабул қилади, зарур ҳолларда уни қайта кўриб чиқади, ўзгаришлар, қўшимчалар ва аниқликлар қи-ртади, бу ҳақда қўнузда белгиланган тартибда Низоми рўйхатга олувчи ҳуқуқий органларни хабардор қилиб қўлади;

— Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиё-

сати масалаларига доир партиянинг нуқтан назарини ва унинг фаолияти йўналишларини ишлаб чиқади;

— Марказий Кенгашнинг ваколатларини беш йил му-датга тасдиқлайди ва партиянинг Марказий Тафтиш Ко-миссиясини сайлайди;

— Марказий Кенгаш ва Марказий Тафтиш Комиссия-сининг, қурултой сайлайдиган бошқа органлар ҳамда шахсларнинг ҳисоботлари ва маърузаларини тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади ва уларнинг иши-га баҳо беради;

— Марказий Кенгашнинг тақдирномасига мувофиқ партиянинг байроғи, нишон ва нимелларини унинг рамзлари сифатида тасдиқлайди;

— партиянинг раисини қўйи билан сурункасига икки муддатга сайлаб, айни вақтда уни Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти этиб сайлаш учун номзод қилиб қў-сатади.

30. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг раис қурултойнинг, умумпартия конференцияларининг ишчи бошқари, партия Марказий Кенгашнинг ишчи муво-фиқлаштирилади.

Партия раиси Ўзбекистон Республикаси Президентли-гига унинг расмий номзоди деб ва ана шу лавозимга сайланганда партиянинг раҳбари бўлиб қолади. Партия ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган органлари унинг сиёсий фаолияти қўллаб-қувватлашини таъминлайди.

31. Қурултойлар ораллигидаги даврларда Марказий Кенгаш партия сиёсати ва амалий фаолиятининг этилан масалаларини муҳокама қилиш учун умумпартия конфе-ренциясини қақриши мумкин.

Конференция партия Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш Комиссиясининг иши тўғрисида уларнинг ҳис-оботларини тинглаш, Марказий Тафтиш Комиссияси тар-кибига қисман ўзгаришлар киритиш, партиянинг дасту-рий ҳужжатлари ва Низоми доирасида унинг учун бошқа мажбурий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

32. Қурултойлар ва умумпартия конференцияларини ор-алигидаги даврда партия Марказий Кенгаши:

— қурултойлар ва умумпартия конференцияларининг қарорлари бақарилишини ташкил этади, партия барча бўғинлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ депу-татлари партия гуруҳи (фракциясининг) жорий ишларини мувофиқлаштирилади;

— ўз мажлисида ўзининг таркибидан Марказий Кен-гашнинг Сиёсий ижроия комитетини, шу жумладан, Марказий Кенгашнинг биринчи котиби ва котибларини беш йил муддатга сайлайди;

— Сиёсий ижроия комитет ваколатларини ва унинг асосий иш йўналишларини белгилайди, ҳар йили унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди;

— бошқа партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, жумладан, чет эллардаги шундай ташкилот-лар ва ҳаракатлар билан бўлган муносабатларида Ўзбеки-стон Халқ-Демократик партиясининг вакилликни таъмин-лайди;

— партиянинг муассасаларини, корхоналарини ташкил этади ва уларнинг фаолиятини назорат қилади;

— айрим Низоом меъёрларини қўлланиш тартибини

4.

аниқлаб берадиган қонда ва усулларга оид ҳужжатлар-ни тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси қурултойи ёки умумпартия конференцияси унга берадиган бошқа раҳбарлик ваколатларини амалга оширади.

Марказий Кенгашнинг мажлислари заруратга қараб, аммо ҳар йрим йилда камда бир марта ўтказилади.

33. Сиёсий ижроия комитет Марказий Кенгаш пленум-лари ораллигидаги даврда Марказий Кенгаш қарорлари доирасида қўнуздаги сиёсий ва ташкилий масалаларини ҳал этади, унинг ишчи аппаратида раҳбарлик қилади. Сиёсий ижроия комитет ишчи биринчи котиб, у бўлма-ганда Марказий Кенгаш котибларидан бири олиб боради.

34. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Марка-зий Тафтиш Комиссияси ўз фаолиятида партия Низомига ва қурултой тасдиқлайдиган қондага амал қилади.

МТН аъзоси бир вақтининг ўзида Ўзбекистон ХДП Мар-казий Кенгашида бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

IV. БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

35. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси демокра-тия ва ижтимоий адолат нуқтан назарига амал қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва унинг доирасида иш қўрувчи жамоат кучлари билан ҳам корлик қилади. У касба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар билан сиёсий муно-сабатларини ўзаро ёрдам ва шерикчилик, бошқача нуқ-тан назарини ҳурмат қилиш асосида қўради.

Партия ташкилотлари Конституция ва қонунлар асо-сида ҳамда унга мувофиқ иш қўраётган бошқа сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракат-ларнинг ташкилотлари билан бирлиқда номзодлар қў-сатиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида сайловдаги би-тимига киришишлари ва бирлишдишлари мумкин.

Партия демократик йўналишдаги ҳорийий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан алоқалар ўрнатади ва бе-восита алоқаларини қўллаб-қувватлайди.

V. ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

36. Партия органлари ва бошланғич партия ташки-лотлари ёшлар билан иш олиб боришда ёшларга оид сиё-сатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёшлар ташкилот-лари билан баҳамжиҳат иш олиб боради, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларига қўмақлашадилар.

Барча поғоналардаги партия ташкилотлари қўшида 30 ёшгача бўлган партия аъзоларини ҳамда партиянинг дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчи партиясиёз ёш-ларини бирлаштирадиган ёшлар клублари ва секциялари ташкил этилиши мумкин.

Ёшлар клублари ва секциялари ёшларга оид сиёсат ҳамда ёшлар билан иш олиб боришда партия ишнинг турли масалаларини муҳокама қилади, ана шу маса-лалар юзасидан ўз нуқтан назарини ишлаб чиқади, ўз тақлифларини тегишли партия ташкилотларининг раҳ-бар ва ижроия органлари муҳокамасига киритади.

VI. ПАРТИЯНИНГ РАМЗЛАРИ

37. Партия ўз рамзлари сифатида байроқ, нишон ва нимелларга эга бўлади. Уларни Марказий Кенгашнинг тақдирини билан қурултой тасдиқлайди ва қонунда бел-гиланган тартибда давлат томонидан рўйхатга олиниши керак.

VII. ПАРТИЯНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

38. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ва унинг ташкилотлари фаолияти партия даромадлари ҳисобидан молиявий ва моддий-техникавий манбалар билан таъмин-ланади.

Партиянинг пул маблағи партияга аъзолик бадаллари-дан, ношрилик, ишлаб чиқариш-ҳўжалик ва тадбиркор-

лик фаолияти даромадларидан, партия аъзолари, айрим фуқароларнинг ихтиёрий хайрияларидан ҳамда сиёсий иш маблағларига ва амалдаги қонунларга зид бўлма-ган бошқа тушумлардан таркиб топади.

Пул маблағларининг Марказий Кенгаш белгилайдиган миқдордаги қисми ҳар йили Ўзбекистон Халқ-Демокра-тик партиясининг заҳира жамғаримига ажратилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари ҳар ойда партияга аъзолик бадалларини умумий даро-мадларининг камда 1 фонзи миқдоридан тўлайдилар.

39. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг бюдже-ти, маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда партия кор-хоналари ва муассасалари даромадларидан бюджетга ажратилган маблағларнинг миқдори, унинг иқроси тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили партия Марказий Кенга-ши томонидан тасдиқланади ва ҳаммага маълум қилиш учун эълон қилинади.

Маҳаллий партия ташкилотларининг бюджетларини ва уларнинг иқроси тўғрисидаги ҳисоботларини улар-нинг Кенгашлари тасдиқлайди ҳамда партия аъзоларига маълум қилинади.

40. Бинолар, иншоотлар, корхоналар ва ҳўжаликлар, наприётлар, асбоб-ускуналар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасаларининг мулки, пул маблағ-лари, пушунгдек, партия маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки вужудга келтирилган бошқа мол-мулк Ўз-бекистон Халқ-Демократик партияси эгаллик қилиш ҳу-қуқининг объектлари бўлиб, буларни у тасарруф этади.

Партия ташкилотлари Кенгашлари ўзларига тегишли мулкка бевосита раҳбарлик қилади (эгаллик қилади-лар, фойдаланади, тасарруф этади). Улар партия мулкини сотиш ёки бошқа йўл билан тасарруфидан чиқ-ариш масалаларини Ўзбекистон Халқ-Демократик пар-тиясининг қурултойи, конференцияси ёки Марказий Кен-гаш пленуми томонидан тегишли ваколат берилган юқори партия органининг рухсати билангина ҳал эта олади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, район партия ташкилотла-ри кенгашлари, партия корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик шахс ҳуқуқига эгадирлар ва бу ҳуқуқларни ўз таркибларидаги бўғинларига беришлари мумкин.

41. Район, шаҳар партия ташкилотлари ва уларнинг таркибига кирувчи бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун партияга аъзолик бадалларидан тушган пулнинг ва бошқа даро-мадларнинг бир қисми ажратилади, унинг миқдорини ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари Кенгаши белги-лайди. Тегишли район, шаҳар партия ташкилотларининг Кенгашлари ана шу маблағларни тасарруф этади, уларнинг зарур қисминини бошланғич ташкилотларнинг бе-восита эҳтиёжларига ажратади.

Бошланғич партия ташкилотлари партия Низомида қўзда тутилган мақсадлар учун айрим фуқаролар ихти-ёрий равишда уларга ўтказётган маблағлардан ва амал-даги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

VIII. ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРГОҲИ

42. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгашнинг қароргоҳи Тошкент шаҳридадир.

IX. ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

43. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг фао-лияти ў бошқа сиёсий ташкилотлар билан бирлашган ёки қўшилиб кетган тақдирда, бўлиниши ёхуд ўзини ўзи тарқатиб юбориши натижасида тўхтатилиши мумкин. Ушбу масалага оид қарорни партия қурултойи унинг барча ташкилотлари фикрини ҳисобга олиб қабул қилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг фаоли-ти тўхтатилган тақдирда унинг мулки Низомида қўзда тутилган мақсадларга берилади ёки партия қурултойи белгиланган ҳуқуқий ворисга топирилади.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир таваллудининг 80 йиллигига

ЭЛ ВА ЗАМИН КҮЙЧИСИ

Миртемирнинг ижод қаш-маларини, гоҳ қанотли, гоҳ сабабсиз оғир сивовларга учраган машаққатли тақди-рини чуқурроқ англаш учун бўлажак шоирнинг ҳаёт йў-лига чуқур назар ташлаш лозим.

Коратогнинг серманзара этакларида, қадимий Тур-кистон заминидан, Аҳмад Ис-савийнинг машҳур мақбара-си яқинида, чексиз бутазор-лар ва зумрад сувли кўл-лар-орасида қўнлиқ бир қишлоқ бор: уни ёки Иқон деб атайдилар. Миртемир ана шу ерда, деҳқон оила-сида таваллуд тоиди. Ўн бир йашарлигида ота-онаси уни Тошкентга юборадилар. Миртемир Бешёғочдаги мактаб-интернатга ўқишга кириди. Зийрак, меҳнатсе-вар, тиришқоқ бола муал-лимлари ва тарбиячилари-нинг эътиборини қозонади. Бу 1921—1922 йилларда-ги оғир давр бўлиб, талаба-лар озиқ-овнат ва кийим-кечакдан қийналишган пайтлар эди. Лекин улар ас-тойдил ўқишарди.

Пилнинг кўп фаслини бо-лалар эрта бақордан то кеч кузгача далада ўтказишар-ди. Шаҳар четидаги (ҳозир-ги Чилонзор даҳаси) томор-да мева-сабзавот етишти-рад эдилар. Ўзларидан орт-ган ҳосилини сотиб, пулла-га кийим-кечак, ўқув қурол-лари харид қилишарди.

— Ёзда мева-чева, озги-на нон билан тирикчилик қиларди, қишда эса тур-шак, жийда ёк кун кўра-дик, — деб эслайди шоир. — Ёски Тошкент менга катта, ғала-ғовур шаҳардай тую-ларди. У мени, қишлоқ бо-ласини мафтун қилган эди. Иштиёқ билан билим олар-дик. Катталар, муаллимлар ёрдам беришарди. Замон оғир бўлса ҳам ҳаёт жўш-қин эди. Йигиллилар кўп бўларди. Ҳатто киш қулла-ри совуқотиб бўлса ҳам нотизлар сўзини эшитиш учун Шайхонтоғур майдони-га, Анҳор бўғиндаги қизил

чойхонага борардик, қандай-дир ғайритабиий ҳис-туй-ғулар бизни шу томонларга етакларди.

Мава шу жойларда бўла-жак шоир жамоат ишларида фаол қатнашди. 1924 йили у ўз қаламини синаб кўрди. Буни кузатиб юрган Олим Шарафуддинов (Навоий ижодининг таққиқотчиси) Миртемирга ёрдам бера бошлади. Ўстоз ва шоғирд ўртасида дўстлик риштал-ри боғланди. Олим ака ун-га дастлабки шеърларини деворий газетга, кейинроқ ёшлар журнаliga беришни тавсия этди. 1927 йилдан «Еш ленинчи» газетасида мунтазам қатнаша бошлади. Шоирнинг биринчи шеърла-ри «Ер юзи» журналича, «Зафар» гўламиди ва газе-та саҳифаларида бирин-ке-тин чоп этилди.

1928 йили Миртемир ком-сомол тавсияси билан Ўзе-кистон ССР МИК раиси Йўлдош Охунбоевга маҳма-масица ишга юборилди. Ай-ни вақтда у Педагогика ака-демиясини, ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунунида кунг билан билим оларди. Бу ер-да Ҳамид Олимжон, Зулфия ва бошқа иқтидорли шоир-лар билан танилиди, умри-нинг охиригача дўстлашиб қолди.

Шу йиллари Миртемир туртинчи котиб сифатида Йўлдош Охунбоевнинг жумҳурийт вилоятлари ва районлари бўйлаб сафарлари-да ҳамроҳлик қилди. Улар гоҳ отлик, гоҳ пиеда энг олис қишлоқларга бориб, деҳқонлар турмуши билан танишдилар. Ўзю неъмат буюндоқларнинг арзларини эринмай тингладилар. Ҳам-лард бўлилар. Шундай пайтларда Миртемир имкоми бориша уларга кўпроқ ёрдам бериша ҳаранат қиларди. Котибининг олижаноблигидан хабар топан Йўлдош ота уни тез-тез мақтаб қўярди...

Охунбоев вафотидан сўнг яқин дўстларидан бири:

— Нега бу ажойиб киши, деҳқондан чиққан биринчи президент ҳақида ёзмайсиз, ахир сиз унинг котиби бўл-гансиз, кўп нарсадан хаба-рингиз бор-ку? — деб сўра-ди.

— Гоёт маъсулиятли мав-зу, жаам қилгани қўқмама, — деди хайла толган Мир-темир. — Халқимизнинг бу мард фарзанди хотираси ол-дида мен қарздорман ле-кин...

Тигиз иш ва билим олиш йилларида Миртемир бу мавзуга қўл уришининг им-кони йўқ, деб ҳисоблади. Ора-дан кўп вақт ўтгач, у 1946 йилда бошлаган «Биринчи президент» драмасини 1976 йилда ёзиб тугатди. Лекин шоирга кўн тирик вақтида бу асарни ўзбек театрлари саҳнасида бирин-кес-ти чоп этилди.

Миртемир ўша йиллари наам қаламини бир дарица ҳам қўнладан қўймади. Шеър эди. Шаҳр шеърининг ўзига хос хусусиятларини, улуғ шоирлар ижодиётини, ўзбек поэзияси тарихини ўр-ғанди. Бу шоир учун тинмай меҳнат қилиш, ижодий ка-мол топиш, оёққа туриш даври бўлди.

1928 йилда Миртемирнинг илк шеърий тўплами «Шўр-лалар қўнида» чоп этилди ва у ўзбек адабиётига да-дил қадам билан кириб кел-ди.

Ўша йиллари Тошкент, Самарқандда ҳаёт қанчалик шиддатли, жўшқин, олға интилмасин, Миртемир би-лариб ўз қишлоғи билан алоқасини узмади, -ҳамқиш-лоқларини йўқлаб турар, уларни Тошкентда самимий кутиб оларди.

Ижодининг дастлабки дав-ридаёқ шоир жонажон ўла-хўсин жамолига, ўзбек ту-проғининг ажойиб соҳоватига, деҳқоннинг меҳнатсеварли-ги ва бақдорона кудрати-га, оддий кишилар қалби-нинг кенглигига, қўнонлар тантилигига ва халқимиз-нинг юксак ахлоқий феа-латларига қўйлаб илҳом-бахш сатрлар бағишлад.



Миртемир ва Мақсуд Шайхзода. 1960 йил.

1926 йилда ёган «Чаш-ма бўйида» сарлаҳхали шеър-ида Миртемир табият ва инсон мушарраклиги, бизга куч ва илҳомни табиатнинг ўзи бахшида қилишини куй-лади.

Инсон ҳаётининг атроф-муҳит табияти билан уйғу-лиги охангларини куйлаш дастлабки шеърларидиға эмас, бутун ижодий жараё-нида давом этади. Табиат ва инсон бир бутун, ажралмас, ягона уйғуллигини ташкил этади, инсон чор атрофдаги барча нарсаларга меҳр-му-ҳаббат, ўз меҳнати билан дунёни янада гўзаллашти-ради. Бу ноизн ҳаётбахш го-я, одатда Миртемир асарлари-нинг моҳиятини ташкил эта-ди. Шоир «Қўқон ниҳолла-ри» шеърини шундай дейди:

Ўйламанки, мавсумий кўклатлар экнишбди, Йўқ, шу эгу тупроққа кўчатлар экнишбди.

Йўқ, шу эгу тупроққа кўчатлар экнишбди.

Инсон меҳнатининг бун-ғадорлик кучи, унинг ахло-қий поғоналари Миртемир шеърларида бир-бирига қи-ришиб кетади, бир-бирини тўлдирди. Қишлоқ аҳли меҳнати, унинг яратувчилик кучи шоирнинг бир қатор асарларида оддийлиқ феа-латлари, кишиларнинг она замин равақига йўлдиғи меҳнатнинг қаҳрамонона мадҳияси каби ийграйди.

Жумҳурийт бойлиги пах-тани Миртемир ўз шеърла-рида меҳр-муҳаббат ва иф-тихор билан куйлайди. У ҳамма ерда — кўнда сузган паға-паға булутларда, чаман болғарининг бақорий уйғони-шида, тоғ чўққиларини қоп-лаган момиқ қорларда ол-қилти раминини кўради. Шу жиҳатдан қараганда унинг «Булут» шеъри диққатга сазовордир. Миртемир ити-дори билан яратилган пахта тасвири нақадар ихчам ва

ҳаққоний. Шоир асарларида-ги пахтакорлар образи эса майлики меҳанизатор ёки сочларига қор қўнган оксо-қоллар бўлсин, майлики шадлод жузун ёки муътабар кампир бўлсин — улар та-биат фарзанди, гўзал, иш-чан, ўз меҳнати билан ат-рофини яшнатаётган, оламга гўзаллик бахш этаётган ки-шилардир. Бу фикр «Олтин қўллар» шеъринида аиникса, яққол кўзга ташланади.

Миртемир қишлоқ ҳаёти-ни, замин заҳматқашининг орау-умидларини отаси би-лаган омон тортган, ялловлар-да мол боққан ёшлик хоти-ралари бўйича эмас, балки деҳқонлар орасида кўп бўл-гани, улар билан тез-тез даррлашиб тургани учун ҳам яхши биларди. Ҳар йили у Қашқадарё ва Самарқанд қишлоқларига қадам ран-

жида қиларди. Фарғона ва Андижон миришкорлари би-лан тўйиб-тўйиб суҳбатла-шарди. Наманган ва Бухоро деҳқонларининг меҳмон-бўларди. Сирдарё ва Жиззах чўлуварлари ҳолидан хабар олиб турарди, ҳар галги са-фардан илҳомланиб, янги асарлар ёзиб қайтарди. Да-лаларда, фермаларда, бор-роғларда ўз кўн билан кўр-ганлари келгуси асарлари-га мавзу бўларди. «Сой», «Шулурин», «Булук», «Сал-қин саҳар дарё бўйи» каби нодир шеърлар ана шундай сафарлар самараси бўлса ажаб эмас. Миртемир шош-ма-шошарлиқни ёқтирмасди, ҳар бир шеър, ҳар бир сатр, ҳар бир сўз устида узоқ ишларди.

Агар хотирамдан кўтарил-маган бўлса, 1967 йили Мир-темир ана шундай сафар-ларнинг бирдан қайтга, бир воқеани гапириб берган эди.

— Ижодий гуруҳимиз Са-марқанд қишлоқ аҳли билан учрашувга борган эди, — деб ҳикоя қилганли у. — Пахта далаларида бўлдик, қолхозчиларга шеър ўқиб бердик, оксоқоллар гуруҳини тингладик. Дорифунун эалда ёшлар билан бўлган ижодий мулоқотдан сўнг бизни қадимги ёлғорлиқлар-ни кўрсатишга олиб бориш-

ди. Мени, аиникса, шаҳар бозори ёнидаги тепаликка жойлашган обидлар лол қолдирди. Кузатувчилар ичида Алишер деган йигит ҳам бор эди, фамилиясини эслолмайман, — деб уэр сў-ради домла ва ҳикоясини давом эттирди. — Ўша Алишер қазилмалар турши-ни яхши билибгина қолмай, эрамиздан олдинги XV аср-да савдо ва маданият мар-кази бўлган қадимги Аф-расиёб тарихини ҳам жуда пухта ўрганган экан. Унинг ҳикояси мени ҳайратда қол-дирди.

Шундан кейин шоир «Аф-расиё